

Низони судгача ҳал этиш имконияти ва усуллари

“Hamkorbank” АТБ кредит шартномаси бўйича низоли вазият вужудга келган тақдирда низони судгача ҳал қилиш (ёзма равишда огоҳлантириш хати ёки талабнома юбориш) тартибига қатъий риоя этади.

Банк филиали кредит шартномасида низоли вазият вужудга келган тақдирда тарафлар низони ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бунда тарафлар ўзаро талабнома ёзиш ишларини олиб боришлари лозим. Огоҳлантириш хати ёки талабнома почта алоқаси орқали махсус буюртма хат орқали юборилади ёки шахсан мижозга (вакилига) тилхат олиш асосида топширилади.

Мижоз томонидан белгиланган тўлов жадвалига асосан тўловларни қайтарилиши 1 (бир) кунга кечиктирилса, алоқа воситалари орқали тўлов жадвали бўйича тўлов муддати ўтганлиги ҳақида хабар берилади.

Мижоз томонидан тўлов жадвалига асосан тўловларни қайтарилиши 3 (уч) кундан ошганда жисмоний шахс бўлган мижозга огоҳлантириш хати, юридик шахс бўлган мижозга талабномалар юборилади. Огоҳлантириш хати ёки талабнома нусхасини кафил ёки гаров объекти эгасига ҳам юборилади.

Тўловлар 15 кунга кечиктирилганда, қарздорга, гаровга қўювчига ва кафилга иккинчи огоҳлантириш хати ёки талабнома юборилади.

Тўловлар белгиланган тўлов жадвалига асосан кечикишини 30 (ўттиз) кунга кечиктирилган тақдирда қарздорга ва кафилга охириги учинчи огоҳлантириш хати ёки талабнома юборилади ва талаб қилинган вақтда тўловлар амалга оширилмаса, кредит йиғма жилди ундирувни гаров объекти (ёки қарздорнинг бошқа ликвидли мол мулки)га қаратиш жараёнлари бошланганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

Огоҳлантириш хати ёки талабнома юборилганидан кейин мижоз томонидан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, банк вакиллари мижоз билан учрашади. Музокара ўтказиш жараёнида, кредит тўланмаётганлиги ҳолати ўрганилади ва кредит қарздорликни тўлаш юзасидан мижозга муддат бериш ёки кредит қарздорликни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритиш масаласи жойида ҳал этилади.

Музокара ўтказиш жараёнида, низони ҳал қилиш имкони бўлмаган тақдирда ушбу активни қонунчиликда белгиланган тартибда даъво қўзғатиш йўли билан ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилиши ҳақида мижоз яна бир бор огоҳлантирилиб, судга даъво аризаси киритилади.